



Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Шин дубан ўз идорасининг маълум даврларида катор сохада анча-мунча илгарилашларга йўл бериб, кўзга кўринарли иш килди. Масалан, чорвачиликда хар бир вилоятнинг шахар ва нохияларида мол дўхтирхоналар очтирди, бу эса чорва учун анча яхши натижалар бера бошлади. Насллантириш учун советдан яхши наслик айгир, бука, кўчкорлар олиб, молнинг насли яхшилана бошлади. Шунингдек, ўрмончилик, ер-сув идоралари, Шиху-Мойтоғларда нефть ишлаб чиқаришлар, Урумчида авторемонт зовуди, Ёркент ва Хўтанда гилам тўкиш ишхоналари қурилди. Савдо, деҳқончилик, халқ хўжаликлари халқнинг қўлида бўлиб, яхши - ишлаганлар - яхши, ёмон ишлаганлар ёмон яшадилар. Хуллас, халқ ўзи билан ўзи овора бўлиб, жон бокишдан бошқа нарсани ўйламас бўлди. Чунки сиёсатдан бир огиз сўзлаганларни йўқ қилиб ташлаганди ва йўқ қилиб ҳам турди.

Мана шу кезларда Шин дубан яна бир алдов қилиб, 1939 йили август ойларида козок, киргиз, калмоқлардан [Қурултой бахонаси билан Урумчига вакил чақириб, улардан бир канча кўзга кўринганларини қамаб олди. Шу жумладан, Олтой волийси Шарифхонтўра бошлиқ бир канча катталарбор эди. Гулжадан Козок-киргизлар уюшмасининг раиси Тошдан • бошлиқ бир канчаларини қамоққа олди. Ундан ташқари Гулжа вилоят Текас, Кунас, Кош нохияларининг козок ва калмоқларидан, Бўритала, Жинг, Арашон, Дохиёнғза ва ҳам Чўчак вилоят нохиялари ҳамда Юлдуздаги калмоқлар бўлиб қўпларини қамаб, хибсга олинганларнинг мол-мулкларини мусодара қилиб, бола-чақаларини сургун қилиб ташлади. Шундай қилиб, Олтой ва бошқа вилоятлардаги ерлик хизматчиларни чақириб

олиб камаб, уларнинг ўринларига хитойларни қўйди. Мана шундайчасига халкларни кўрkitиб, ўз хоши билан иш кўрди. Бечора халк ўзига теккан жон бокиш йўлига рози бўлиб: “Яша одил ҳукуматимиз, яшасин Шин дубан!” дейишдан бошка сўз айтмас бўлди. Мана шу вақтлар 1940 йили ёз ойлари эди. Оролтепадин олиб келган чорва маҳсулотларни сотиб, ишларни битириб яна Оролтепага кетмокчи бўлиб турсам, энгякин огайниларимдан бири Довуджон олдимга югуриб кириб келди. “Ха, нима бўлди?” десам, “Бошимга бир мушкул иш тушди”, деди. Нима бўлганини сўраб билсам, огайним ҳақ, аммо ноҳақ томонда ҳукумат турибди. Буни исбот килиш, жондан кечиш билан баробар эди. Булар сотган товар нарҳида огайним ҳам сотган бўлиб, огайнимни конунсизликда айблаб жазоламокчи бўлган, ўзларининг конунсизликларини яширган. Шунинг учун мен, ҳукумат дўконидан худди огайним сотган молдан олиб, шу билан унинг ҳақлигини исбот килишим керак эди. Ўз вақтига караганда менинг учун бу иш ниҳоятда кўркинчили бўлса ҳам, огайним учун килдим. Чунки зулмга қарши ҳақ томонда туриб ҳаракат килдим. “Чинакам биродарлар бошга шундай ноҳақ ишлар тушганда ҳақиқат учун бир-бирига ёрдам килиши кераклиги ислом конунидир” деган сўзларни дадамлардан кўп марта эшитгандим. Шунга асосан биродарим учун шу калтис ишни килдим. Бу эса шул вақтдаги золим ҳукумат сиёсати шароитида ҳақиқатан ҳам жондин кечиш эди. Менга бу ҳақда кўп дўк-пўписалар килиб сўраб: “Мабодо бировлар учун шу ишни килганинг билиниб колса, отиласан, шунга розимисан?” деганда, кўркмай “Розиман”, деб кўл қўйдим. Бу соҳада Оллох ёрдами билан ҳаракат килиб, биринчи бўлиб ҳукумат савдосини нотўғри йўл билан халкка киммат сотганини исбот килиб, огайнимни катта фалокатдан кутқариб колдим. Бунинг оқибатида мазкур савдохона (“мўюгунгси”) бошликларини жазолашга мажбур бўлиб, мени оклаб газетага ёзди.

Алихонтўра Соғунийнинг
"Туркистон қайғуси" китобидан